ҚММБ: 10/21/2417-1/0465-сон
17.05.2021 й.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO‘YXATIDAN O‘TKAZILDI
RO‘YXAT RAQAMI: 2417-1
2021 - yil 17 - may

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

## Ўриндошлик асосида бошқа ташкилотга ишга кириш учун асосий иш жойидан бериладиган маълумотнома ҳамда ўриндошлик асосидаги иш жойидан бериладиган маълумотнома шаклларига ўзгартириш киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 сентябрдаги ПФ-6065-сон “Ўзбекистон Республикасида идентификация ID-карталарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ буюраман**:**

1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2012 йил 29 декабрдаги 77-Б-сон буйруғи (рўйхат рақами 2417, 2013 йил 29 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 5-сон, 61-модда) билан тасдиқланган Ўриндошлик асосида бошқа ташкилотга ишга кириш учун асосий иш жойидан бериладиган маълумотнома ҳамда ўриндошлик асосидаги иш жойидан бериладиган маълумотнома шаклларидаги “паспорти" деган сўзлар “биометрик паспорти ёки идентификация ID-картаси" деган сўзлар билан алмаштир ılсин.

2. Мазкур шакллар Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири**

**Хусанов Н. Б.**

Тошкент ш.
2021 йил 29 апрель,
23-2021-Б-сон

Келишилди:

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси**

**Рафиков К.М.**

Тошкент ш.
2021 йил 22 апрель,